



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР press

www.hamkorpess.uz



t.me/hamkorpess_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2022 йил 24 февраль

4 (407)-сон



Кўклам яқин...

Бу сонга:

**ЕТТИ
ИҚЛИМДАН
ДАРАКЛАР**

2

**СУБСИДИЯ БОР,
АММО
УЙ ЙЎҚ**

3

**ФАРҒОНА
МИНТАҚАВИЙ
ФИЛИАЛИДА**

4

**ГАЗЕТА
ВА ГАЗЕТХОН**

5

**БЕШИК
БОШИДАГИ
ҚЎШИҚ**

6

**МЕН БИЛГАН
ҲАҚИҚАТЛАР**

7

СПОРТ ДУНЁСИ

8



"Hamkorbank" АТБ тизимида самарали фаолият олиб бораётган хотин-қизлар кўпчиликти ташкил этади. Сиз сураатда кўриб турган Фарғона минтақавий филиали ходимлари ҳам ўзларининг фаоллиги билан ҳамкасбларига ўрнат бўлмоқда. Айниқса, жамоат ишларида улар доим ташаббускор.

Б. МУТАЛЛИБОВ олган сураат.

4-бет

КУН ҲИҚМАТИ:

Ҳаёт тасодифий ўзгаришлар ва узлуксиз ҳаракат демакдир. Ўзгаришларни қабул қил ва мослаш! Ҳаётний жараёнларга қаршилиқ қилсанг, бу яхшилиқка олиб келмайди. Энг яхши йўл ҳаётни табиий кечишига қўйиб бермоқдир.

Президент
имзоси билан

“Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2022 йил якунигача синов тариқасида Мирзо Улуғбек ва Юнусобод (Тошкент шаҳри) ҳамда Қибрай ва Тошкент туманлари (Тошкент вилояти) да ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларини ҳамда ноқонуний бино ва иншоотларни космик суратларни қайта ишлаш орқали аниқлаш чоралари кўрилади.

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЭГАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ энди космосдан туриб аниқланади

Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ер участкалари бериш ҳақидаги қарорлари қуйидаги график асосида хатловдан ўтказилади:

- 2022 йил 1 майгача – 2016–2021 йилларда қабул қилинган

қарорлар;

- 2022 йил 1 августгача – 2006–2015 йилларда қабул қилинган қарорлар;

- 2023 йил 1 январгача – 2006 йилгача қабул қилинган қарорлар.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

экин ерларидан оқилона ва самарали фойдаланилиши, режадаги экинларнинг экилиши ва парваришланиши аҳволи бўйича ҳар чоракда камида бир маротаба мониторинг ўтказилади.

Кадастр агентлиги барча турдаги ер участкалари ҳамда биноиншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishiга ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўради.

Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаментида Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими, ҳудудий тезкор-қидирув хизматларида эса Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлинмалари ташкил этилди.

Бугунги кунда дунёда глобллашув жараёнлари жадаллашиб, минтақа ва давлатлараро интеграция янада кучайиб бормоқда. Бундай мураккаб бир даврда коррупция давлатни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфи кучаймоқда. Бугун катта-ю кичик, бой ва камбағал, қудратли ва кучсиз биронта давлатни коррупциядан холи ҳудуд, деб айтолмаймиз.

КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ БЕРМАНГ!



Дунёда тараққиёт ва янгилиниш йўлидан бораётган ҳар қандай мамлакат, энг аввало, коррупция каби салбий иллатларга қарши муросасиз кураш олиб боради. Акс ҳолда, бундай жирканч иллатларнинг илдиз отишига имкон берилса, ўша жойда ривожланиш ва ўзгариш бой берилади.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида республикаимизда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам фуқароларимизни ҳаётдан рози қилиш ва энг муҳими, давлат идоралари орқали бевосита халқ ичига кириб бориб, муаммолар билан танишиб, уларни ижобий ҳал этишдан иборат. Албатта, бу жараёнда барча даражадаги раҳбарларнинг жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш, ўзига билдирилаётган ишонччи оқлаш ҳамда коррупциянинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик борасида кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Хусусан, Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 84-мақсадида ҳам коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш масаласи алоҳида эътиборга олинган. Қолаверса, мазкур бандда коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш, аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш масалалари белгилаб берилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, коррупция ва порахўрлик каби салбий иллатлар жамият барқарорлигининг муҳим асоси бўлган адолатнинг йўқолишига олиб келади. Мамлакатимиз мустақамлиги, халқимиз фаровонлиги, юртнинг ривож ва гуллаб яшнашини, обод бўлишини истган ҳар бир фуқаро бундай иллатдан холи бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, сиз ҳам коррупцияга йўл берманг!

Ўктам ҚУРБОНОВ,
Жиззах.

7 ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР



КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ СУТ

Ўзбекистонда олимлар сигир ва эчкиларни коронавирусга қарши эмлаш орқали SARS-CoV-2 га антитаначалари бўлган сут олишга муваффақ бўлди. Тадқиқотчилар бундай сут ичиш аҳолини COVID-19 дан қисман бўлса ҳам ҳимоя қилади, деб умид қилмоқда.

ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАСИ КАМАЙДИ

1 февраль ҳолатига кўра, Ўзбекистон олтин заҳираси 34,4 млрд. долларни ташкил этмоқда. Яъни йил бошига нисбатан ушбу кўрсаткич 0,7 млрд. долларга қисқарган.

Ялпи халқаро заҳиралар йил бошидан 2 фоизга камайди. Мазкур ўзгариш олтин нархининг йил бошидаги 1799,25 доллардан 1790,6 долларгача тушиши (-100,4 млн. доллар), банкларнинг Марказий банкдаги ҳисобварақларида қолдиқ миқдорининг камайиши (-526 млн. доллар) ҳамда Марказий банк томонидан амалга оширилган валюта интервенсиялари билан изоҳланади.



ХЎЖАНДДАН ҚЎҚОНГА АВТОБУСДА Тожикистоннинг Хўжанд шаҳридан Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрига автобус қатнови йўлга қўйилди.

Хўжанддан автобус эрталаб соат 8:00 да йўлга чиқади, соат 17:00 да эса Қўқондан ҳаракатланади. Қатнов душанбадан ташқари ҳар куни амалга оширилади, йўл ҳақи эса 100 минг сўмни ташкил этмоқда.



РОССИЯ ДХР ВА ЛХРНИ ТАН ОЛДИ

Россия Федерацияси Донецк Халқ Республикаси ва Луганск Халқ Республикаси мустақиллигини тан олди. Бу икки давлат 2014 йил 24 майдан 2015 йил 18 майгача Халқ Республикалари Конфедератив Иттифоқининг ҳаммуассислари ва аъзоси бўлган.

Украина эса бу давлатлар мустақиллигини тан олмади ва уларни Россия томонидан ташкил этилган, қуролланган террористик ва сепаратистик ташкилотлар, яъни қўғирчоқ давлатлар деб ҳисобламоқда.

УМУРЗОҚОВ АФҒОНИСТОН МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИ РАҲБАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Кобулда Ўзбекистон бош вазирининг ўринбосари Сардор Умурзоқов Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари вазифасини бажарувчи Мулла Муҳаммад Ҳасан Охунд билан Ўзбекистон-Афғонистон ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Музокаралар чоғида томонлар ўзаро муно-



сабатларни комплекс кенгайтиришдан икки тараф ҳам манфаатдор эканликларини билдиришди.

Савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт ва логистика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича долзарб вазифалар кўриб чиқилди.

Афғонистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий фаолиятни қайта тиклаш ва жадаллаштириш ва барқарор тинчликни сақлашга қаратилган ҳамкорликни тиклаш бўйича навбатдаги тадбирлар режалаштирилди.

Бугунги кунда уй-жойга муҳтож фуқаролар учун субсидияга кредит асосида уй сотиб олиш тизими яратилган. Бунинг ортидан юзлаб оилалар неча йиллик орзуларига эришди. Аммо бу борада муаммолар талайгина.



СУБСИДИЯ БОР, АММО УЙ ЙЎҚ

Йиллаб ўз уйи бўлишни орзу қилган фуқаролар давлат томонидан берилган бундай имтиёзни қўлдан чиқармаслиги тайин. Улар субсидия ажратилишига, ҳатто уни олишга ҳам муваффақ бўлиши мумкин. Аммо энг ажабланишли жиҳати субсидия учун қўрилган уйнинг ўзи йўқлигида. Нега бундай?

Ўтган йили субсидия олиб, уй тополмаган ўнлаб фуқаролар банкнинг белгиланган муддати тугаётгани, аммо уй йўқлиги боис нима қилишини билмай

сарсону-саргардон бўлгани бор гап. Албатта, банк ҳам кадастр ҳужжати мавжуд уйлар учун пулни тақдим этман, дейишга ҳақли. Аммо қуриб битказилмаган ёки ҳали энди қурилиши бошланиши керак бўлган уйларнинг кадастр ҳужжати бўлмаслиги

— 189 та, Қорақалпоғистонда — 174 та, Фарғонада — 167 та). Қолаверса, республика бўйича 36 мингдан зиёд ижобий ҳулосаси бор оилаларга 900 миллиард сўмдан зиёд субсидиялар тўланмай турибди. Бунинг сабаби — аҳоли томонидан талаб юқори

худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, Тошкент шаҳрида 2022 йилда 1 минг 536 та квартирандан иборат 24 та кўп қаватли уй-жойдан ташкил топган "Янги Ўзбекистон"

ка дастури асосида уйлар қурилишида 52 та ҳолат бўйича жами 2 млрд. 783 млн. сўмлик сифатсиз бажарилган ишлар аниқланган. Шунингдек, 47 та мансабдор шахсга нисбатан чора кўриш учун ҳужжат тайёрланиб, судларга юборилган. Аниқлангани яхши, лекин энди бу уйлар учун ким кафолат беради? Бу туришда янги уйларда янги муаммолар кўпаяверадими?

Шу ўринда савол туғилади: бизга нима етишмаяпти? Албатта, рақобат. Токи, қурилиш бозорида рақобатлашадиган ўнлаб йирик компаниялар пайдо бўлмагунча бу ҳолат такрорланаверади. Шу пайтгача марказлашган буюртмаларни тендерсиз ёки ҳатто тендер билан ўзлаштирадиган доимий пудратчилар 2-3 та компания бўлган, холос.

Хато қилганлар, пулларни ўзлаштирганлар жазога тортилар ҳам. Аммо бу иллатни илдири билан қирқиб ташлайдиган тизим яратилмас экан, муҳтожлар пулидан фойдаланиш давом этаверади. Ислохотлар эса ислоҳ қилиниши керак, деган ҳулоса келиб чиқаверади.

Н. ЮНУСОВА,
журналист.

бўлган ўрта меъёрдаги уйлар бўйича қурувчилар бозорга етарли таклиф чиқармаган.

Баъзида сотиб олинаётган уйлар 3-4 баробар қимматга тушаётганидан эътирозлар бўлаётгани ҳам қўлоққа чалинади. Мисол учун, агар 400 миллион сўмлик субсидия сертификати берилса, буни 20 йил тўлайдиган бўлса, уйнинг нархи 700-800 миллион сўмга чиқиб кетади. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Субсидия олган фуқароларга уй-жойнинг 15 фоизли дастлабки бадалининг 10 фоизи субсидия сифатида тўлаб берилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва

массиви қурилиши режалаштирилган.

Демак, субсидия бор, аммо уйлар ҳамон йўқ. Наил одамларимиз сабрли, янги массивдаги уйларнинг битказилишини кутишадди. Асосийси, битта бошпана қуриб беришса бўлгани. Қолгани бир гап бўлар.

Адлия вазири Русланбек Давлетовнинг фикрича, Ўзбекистон қурилишда смета ёндашувидан воз кечиши керак. Айнан ўша смета тизими бюджет маблағларининг ўмарилишида асосий омил бўлмоқда.

Рақамларга юзлансак: ўтган йил якунида ипоте-

АВТОСАНОАТ



«Tesla» энг яхши электромобиллар рейтингида қулади

АҚШда 43,895 – 61,995 минг доллардан сотилаётган "Ford Mustang Mach-E" электрокари "Йилнинг энг яхши автомобили" (Consumer Reports) анъанавий рейтингига биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу машина билан ғолиблик учун курашган "Tesla"нинг икки модели — Model Y ва Model 3

ҳатто иккинчи ўринни ҳам эгаллай олмади. Иккинчи ўринда — "Kia Niro" (Жанубий Корея). Учинчи — "Tesla Model 3", "Tesla" компанияси жаҳон электромобиллар бозорида энг кўп машина сотиш билан устунликка эга, Model 3 бир неча йиллардан бири юқоридаги совринни эгаллаб келган.

Энди "Tesla" "Йилнинг энг яхши

автомобили" умумий рейтингига етти поғона пастлаб, 23-ўриндан жой олди, электрокарлар рейтингига эса — учинчи ўринда.

"Ford Mustang Mach-E" йўлларда ўтказилган синовлар, фойдаланувчиларнинг баҳоси, ишончилиги, хавфсизлиги бўйича тўплаган баллари ҳисобига биринчи ўринга кўтарилди.

«UZAUTO MOTORS»

АВТОМОБИЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШДА ЯНГИ ТАРТИБ

"Автомобилларнинг воситаларини сотиб олиш жараёнига ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2022 йил 1 апрелдан "UzAuto Motors" АЖ томонидан автомобилларнинг харид қилиш бўйича шартнома тузган шахсга автоматик равишда расмийлаштирилмаган ҳисоб-маълумотни Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти йўл ҳаракати хизмати фақат электрон шаклда тақдим этиш амалиёти жорий қилинади.

Мазкур тартиб орқали автомобиль сотиб олишда ҳаққоний харидорларга устуворлик берилади. Яъни фуқароларнинг автомобилларнинг сотиб олиш учун олган шартномаларини бошқа шахсларга сотишининг олди олинади. Шартнома кимнинг номига расмийлаштирилиб, йўл ҳаракати хизмати базасига киритилган бўлса, автотранспорт ўша шахс номига расмийлаштирилади.

(Интернет хабарлари асосида тайёрланди).

"Hamkorbank" АТБ Андижон шаҳрида жойлашган вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасида даволанаётган болажонлар учун акция ташкил қилди.



"НАМКОРВАНК" ДАН ЯНА БИР ХАЙРЛИ ТАДБИР

Банк жамоасининг китобсевар ходимлари кичкинтойлар учун нашр этилган янги китоблар, шунингдек, ўзларининг болалик даврларидаги адабиётларини тўплаб, шифохонанинг гематология бўлимида ташкил этилган кутубхонага тақдим этди.

Китоб — бебаҳо хазина. Мутолаага меҳр қўйган бола, албатта, келгусида билимли, изланувчан, ташаббускор инсон бўлиб вояга етади. Маърифатли, зиёли авлод эса ҳар қандай жамиятни ривожлантиришга қодир бўлади. Зиёпарвар банк мутахассислари томонидан тўхфа қилинган бу асарларни болажонлар даволаниш жараёни билан бир пайтда бемалол мутолаа қилишлари мумкин.

(Ўз мухбиримиз).

"Ёшига тўлмаган" иномаркалар...

Автомобиль двигателининг ҳар бир куб см. учун белгиланган қўшимча коэффициентлар ҳам пасайтирилди.

Ўзбекистонга автомобиллар импорт қилишда божхона божлари икки босқичда пасайтирилади, бож ставкалари 30 фоиздан 15 фоизга туширилди. Шунингдек, автомобиль двигатели қувватининг ҳар бир куб см. учун белгиланган қўшимча коэффициентлар ҳам ўртача икки баробар ва ундан кўпроққа камайтирилди.

“Hamkorbank” АТБ Фарғона минтақавий филиали ҳақида гап борганда, бир сўз билан “Аҳил жамоа”, дея баҳо берилади. Чиндан ҳам шундай. Банк муассасасига кириб боришингиз билан ходимларнинг муомала маданияти, бир-бирини қўллаб-қувватлашларини кўриб ҳавасингиз келади. Каттаю кичик бирдек салом билан қарши олинади. Мижозлар кўрсатилаётган хизматдан хурсанд.

Айни вақтда 43 нафар ходим самарали иш юритаётган жамоага Абдуқаҳҳор Шарипов раҳбарлик қиляпти. У 2019 йили бу вазифага тайинланганида ўз олди-га шундай мақсад қўйганди: жамоа билан бир оила бўламиз, ҳар бир ишни биргаликда бажарамиз, тизимда олдинги сафга чиқамиз.

“Вақт — ҳакам” дейдилар. Биринчи раҳбарга қараб барча бир куч бўлди. Берилган топшириқларни бажариш баробарида соҳадаги янгиликларни ўрганиш ва амал-



ҲАМКОРЛИК: ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ ИЛК МУВАФФАҚИЯТ

да қўллаш ютуқларга бошлади. Замонавий хизмат турлари амалиётга татбиқ этилди. Мижозларга эътибор ва хизмат сифатини ошириш асосий қоидага айланди.

Кадрлар тажрибасини ошириш иш самарадорлигини юксалтиради, ҳар қандай муаммонинг олдини олади. Айниқса, изланувчан ёшлар фаолиятида бу катта аҳамиятга эга. Бежиз бунга тўхталмадик. Жамоанинг асосий қисми ёшлардан иборат. Шу сабаб “устоз-шогирд” мактаби яратилган. Янги иш бошлаган ходим ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Хусанбой Умрзоқов ва Муҳаммаджон Умаров каби тажрибали ходимлар бу борада ташаббускор. Шунинг натижасида жамоа сафига қўшилганига ҳали кўп бўлмай Саиджон Муҳаммаджонов ва Элмурод Тўхтасинов каби ёшлар чинакам банк ходими-га айланди.

— Ҳалоллик ишимизнинг асоси. Коррупцияга умуман ўрин йўқ. Мижоз биз учун доим ҳақ, — дейди бошқарувчи филиал ҳаёти билан таништираркан. — Масъулият борасида ҳам талабчанмиз. Белгиланган иш вақтида бажарилади. Шунга яраша рағбатлантириб боришни ҳам унутмаймиз. Яна бир ютуғимиз — филиаллар орасида энг замонавий бинода жойлашгани-

миз. Ҳамма шароит бор. Учта очик айвон ходимларнинг чарчоғини ёзади. Бу жойдан шаҳарнинг гўзаллигини томоша қилиб, дам олиш мумкин. 2018 йилда ташкил топган мазкур молия муассасаси жуда қисқа вақт ичида нафақат “Hamkorbank” филиаллари, балки, вилоятдаги бошқа банк муассасалари орасида ҳам ўз ўрнини топди. — Очиғи, бошида ҳадигим бор эди. Чунки Фарғона шаҳарининг ўзида 20 та банкнинг филиаллари бор, — дея сўзини давом эттирди суҳбатдошимиз. — Рақобат ўта кучли. Мижозларнинг кўнглига йўл топиш билан иш битмайди. Хизмат сифатини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Шунда уларнинг ўзи бизни танлайди. Яна ҳар бир мижозни яхши билиш шарт. Бу кредитлашда катта аҳамиятга эга. 30 йилдан буён бозор шароитида ишлаётганимиз ҳам ютуғимиз. Айрим банклар бунга энди қадам қўймоқда.

Беихтиёр рақамларга кўз ташлаймиз: 2021 йилда 230 та юридик мижоз қўшилди, улардан 3 таси корпоратив. Тезкор фойда режаси кўзланганиданда юқори, 11 млрд. сўмга бажарилди. Натижада худди шу йўналишда

режа бажарган 5 та филиал қаторидан жой олинди. Ходимлар ўзгармас ойлик иш

ҳақининг 200 фоиз миқдориди рағбатлантирилди.

2022 йилнинг январь ойи ҳам самарали якунланди. Белгиланган кредит қўйилмалари 29,5 млрд. сўмга ошди ва ойлик ўсиш режаси 264 фоизга, фойда режаси эса 125 фоизга бажарилди.

Йилни янги ютуқлар билан бошлаган жамоа “Ҳамкорликда юксалиш сари борамиз”, ғояси билан олдинга қадам қўймоқда. Бу амалдаги йил улар учун янада муваффақиятли бўлишини кўрсатади.

А. НАЗАРОВ.

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ҲАЁТИ БИЗ УЧУН ҚИЗИҚ

Банк тизимидаги фаолиятимни 2004 йилда Қувасой филиалида бошлаганман. Ўша кезларда Фарғона политехника институти талабаси эдим. Ҳали ўқишни тугатмай туриб жамоага қўшилганман. 2014 йилда “Истиқбол”, 2020 йилда эса Фарғона минтақавий филиалига келдим. Чакана, касса, қўйингки, банкнинг барча бўлимларида ишладим. Лавозим қандайлиги мени қизиқтирмаган. Банкда бир кун бўлсада олдин иш бошлаган ходим мен учун устоз. Уларнинг ҳар биридан нимадир олганман. Муҳими, ўз севган касбимда фаолият олиб боришим бўлган, ҳар лаҳзада.

Ходимлар билан ишлаш менежери сифатида ҳаммани маслакдоши, сирдошига айланганман, десам муболағасиз. Онам 30 йил шу лавозимда ишлаганлар. Шу боис инсон психологиясини ўрганишда қийналмадим. Ҳамкасбларимнинг нафақат ишдаги фаолияти, балки, шахсий ҳаётида, оиласида ҳам масъул ҳисоблайман, ўзимни. Кимнидир соғлиғи, кимнидир ишида, рўзғорида муаммо бўлиши мумкин-ку буни ўрганиш, уларга кўмак беришга шошамиз. Бироқ инсонлар ташвишу қувончи билан яшаш жуда мураккаб.

Ходимларни руҳан қўллаб-қувватлаш иш унумдорлигини оширади. Чимён Ўзбекистоннинг табиати мусаффо ҳудуди ҳисобланади. Ўтган ойда жамоамиз табиат қўйнида дам олиб келди. Ҳамманинг кайфияти чоғ бўлди. Янгича иштиёқ, куч-ғайрат билан яна ишга киришдилар.

Жамоамиз “Hamkor press” газетасини мунтазам кузатиб боради. Қайси филиал ёритилди, муваффақиятлари, ходимлар салоҳияти, қўйингки, ҳамкасбларимизнинг банкдаги ҳаёти биз учун қизиқ. Шунингдек, ибратли воқеалар, замондошларимиз ҳаёти, дунё иқтисодиёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, янгиликлар билан танишиб борамиз. Журналистнинг машаққатли меҳнатини доимо қадрлайман. Болалигимда шу касбга меҳрим бўлакча эди.

Наргиза ОРЗУҚУЛОВА.



Халқ орасида Амир Темур ҳақида бир ривоят юради. Унинг қўшинлари Арман заминидан ўтиб кетаётганда бир монастирда дуч келишибди ва дарвозаларни очишни талаб қилибди. Монастирдагилар бунга рози бўлмасдан ўрнига катта миқдорда олтин ваъда қилишибди. Ўша пайтларда уруш қоидаларига биноан мағлуб томон ғолиб томонга омонлик солиғини тўлашган... Монастирдагиларнинг таклифи Амирга маъқул келмапти. Анча ўйланиб туриб келган элчиларга “майли, кимки омонлик истаса, ўз оғирлигига тенг китоб келтирсин!” деб шарт қўйибди.

УНИНГ ЎЗИ ХАЗИНА

Монастир аҳли бу талабни узоқ муҳокама қилиб, ўлимга рози эканликларини изҳор қилибдилар. Бундай қарордан таъсирланган Темур “халқнинг маънавий меросини ўз жонидан афзал кўрган эл яшашига ҳақли” деган фармон берган экан...

Бу ривоятда арман халқининг китобга бўлган эътиқоди билан бирга тиллодан китобни афзал кўрган, ўлимга маҳкум этилган душманни фақат китобсеварлиги учун ардоқлаб, омонлик берган Буюк Амир Темурнинг илм аҳлини нақадар қадрлаганлиги мадҳ этилган.

Бек офис бошлиғи Ўткирбек Жўраев тенгдошлари ва ҳамкасблари орасида кўп китоб ўқиши ва сермулоҳазалиги билан ажралиб туради ва қадрланади. Сўзлари, қарашлари ва фикрлашидан буни илғаб олиш мумкин. Шунданми ҳамкасблари “Ўткирбекнинг ўзи бир хазина”, дея таърифлашлари бежиз эмас.

У Тошкент молия институтини тамомлагач, банк соҳасида ишлашни мақсад қилди. Институтда олган билимлари асқотди — илк фаолияти давомида қийналмади. Табиатидаги самимийлик ва тез киришиб кетиши ишида анча қўл келди, ташаббускорлиги, билим-

ли ва изланувчанлиги билан ҳурмат қозонди.

— Болалигимдан одатланган мутулаа завқи ҳали-ҳануз таркэтмаган. Нафақат ўзбек адаблари, балки, чет эл адабиётларини ҳам севиб ўқийман. Яқинда француз ёзувчиси Марсель Брионнинг “Менким, соҳибқирон Жаҳонгир Темур” китобини тугатдим. Жалолитдин Румий ҳазратларининг “Ичиндаги ичиндадур”, “Етти мажлис”, Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки”, инглиз ёзувчиси Жорж Оруелнинг “1984 йил”, “Нафас” асарларини такрор-такрор ўқиганман. Китоблар менга сабр, шукурни ўргатди. Орзуга эришиш ва келажагим учун замин яратди, — дейди Ўткирбек.

Оилада китобхонлик муҳити бўлмас экан, болада китобга меҳр уйғонмайди. Аввало, ота-она қўлларига китоб олмас экан, фарзандлар ўз-ўзидан китобсевар бўлиб қолмайди. Китоб ўқиган инсон теран фикрлаш, оқу қорани ажратиш, мураккаб вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлади. Бу Ўткирбек Жўраев қарашларида мужассам.

Н. ЙЎЛДОШЕВА.





ОАВнинг жамият-даги ўрнини қандай баҳолайсиз? Матбуотнинг кучига қанчалик ишонасиз? Сиз газета ўқийсизми?

Бугун республика-миз бўйлаб тарқалаётган газетамизга бир қарашда иқтисодий йўналишдаги нашр деб қаралсада, мавзу жиҳатидан ранг-баранг. Сабаби, ўқувчиларимиз орасида банк тизими ходимлари билан бирга турли соҳа вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Таҳририятга қилинаётган қўнғироқлар, газетамизда берилаётган материаллар юзасидан билдирилаётган фикрлар бизни қувонтиради. Бу айримларнинг “одамлар газета ўқимай қўйди”, деган фикри ўринсиз эканлигини кўрсатади.

Бу борада аниқ бир хулосага келиш мақсадида “Hamkor press” газетаси таҳририяти ижодкорлари томонидан “Газета ва газетхон” лойиҳаси доирасида обуначилар билан

МАТБУОТ—ИШОНЧЛИ МАЙДОН

ўтказилган учрашувларда айтиб берилган масалага аниқ шундай эътибор қаратилди. Матбуот билан ҳамнафас ўқувчиларимизнинг ўй-хаёллари бизни қувонтирди.

“Hamkorbank” АТБ

Олмалик филиали ходимларининг бугунги матбуот ва газетамиз ҳақидаги фикрлари эшитилди. Ижтимоий тармоқлар қанчалик тезкор бўлмасин, мутолаа ва инсон маънавиятини юксалтиришда газетанинг ўрни эътироф этилди. — Биз газета билан ҳамнафасмиз, — дейди банк ходимлари. — Чунки, янгиликлар билан танишиш баробарида ҳамкасбларимиз тажрибасини газета орқали ўрга-



ниб борамиз.

Музаффар Сайдорилов, банк ходими:

— Адабиётга қизиқганим учун газета ўқишни ҳам ёқтираман. Болалигимизда уйимизда кечки овқатдан сўнг ота-онам газета ўқишни қанда қилмасдилар. Менга ҳам бу одат бўлиб қолган. Газета кўпчиликнинг минба-

ри. Қолаверса, инсонни тарбиялайди. “Hamkor press” газетасига келсак, унинг ҳар бир сонини кутиб тураман. Янги лойиҳалар йўлга қўйилгани кўнглимиздаги иш бўлди. “Банк филиалларида”, “Ўзбекистон бўйлаб”, “Ишдан ташқари” рукнлари доимий бериб борилса.

Камолиддин Турсунов, тадбиркор:

— Матбуот ишончли майдон эканини унутмаслигимиз керак. Газета ўқиган одамни дунёқараши кенгайди, кунлик ҳаёт билан танишиб боради. Биз тадбиркорлар учун ҳам газета энг яқин маслаҳатчи.

Учтепа филиалидаги

ўқишни бошладик, тушликда ўқиган китобларимиз ҳақида фикрлашамиз. Газета ҳам бундан мустасно эмас. Бу ходимларимизни ўз устида ишлашга ҳам ўргатмоқда. Шахсан мен ҳар ойда бир кун китоб дўконларини айланишга одатланганман.


Фарғона минтақавий филиалидаги учрашув ўзгача кечди. Филиал ходимларининг сўзларида давлатимизнинг бугунги сиёсатини ўрганиб боришда газетасуянишлари ва матбуот билан ҳамнафас эканликлари ўз ифодасини топди.

— Кўп газета-журнал, китоб мутолаа қилган инсоннинг дунёқараши ўзгалардан фарқ қилади. Инкор этмаймиз, бугун интернет маълумотларига бой давр ҳукм сурмоқда. Бироқ газета, китобнинг ўрни алоҳида. Шахсан мен интернет хабарлар ва янгиликларнинг ҳаммасини ҳам асосли деб ўйламайман. Аниқликка ишонаман ва бевосита оммавий ахборот воситаларини кузатаман. Ишонч билан айта оламанки, ҳамкасбларим ҳам бундан мустасно эмас, — дейди фронт офис бошлиғи Алишер Ўрмонов.

Ҳар бир учрашувда янги-янги ғоялар, турли фикрлар ва қарашларга дуч келдик. Бу тадбирлар бизни янги мавзулар билан ўқувчилар орасига кириб боришга ва изланишга чақирди. Юзма-юз мулоқотларда муштарийларни яна қандай мавзулар қизиқтиришини билдик. Билдирилган таклифларини иш режамизга киритдик.

Акбаржон НАЗАРОВ.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ
олган суратлар.



“Hamkorbank” АТБнинг 2021 йил якунлари бўйича ўтказган танловида “Йилнинг энг яхши ходимлар билан ишлаш менежери” дея эътироф этилган Матлубахон Мамарасулова бундан ортиқ эътиромга муносиб. У билан яқиндан суҳбатлашиш жараёнида шу хулосага келдик.

Кўзлари чақнаб турадиган, ўзи ҳам, сўзи ҳам гўзал суҳбатдошимизнинг

ҳавас қилса арзийдиган хислатлари кўп экан. Ўзини тутиши ва фикрлашидан яхши хулқ ва чиройли тарбия соҳибаси эканлиги сезилиб турибди. Талабчан ва масъулиятли ходимлиги ҳам кундек равшан.

— Шу филиалга келганимда ҳужжат ишларини ёқтириб

Уларнинг кўмагисиз бундай ютуққа эриша олмасдим. Бошқарувчимиз интизом борасида жуда ҳам намунали. Бирон иши чиқиб, кеч қолса, албатта, қўнғироқ орқали айтиб, хабардор қилади. Ходимлар ҳам шундан ўрнак олиб топшириқларни ўз вақтида бажаради. Тартибсиз

“ТУРМУШ ЎРТОҒИМДАН ҚИЗИЛ АТИРГУЛ”

Бу қаҳрамонимизнинг “8 мартда қандай совға кутяпсиз?” деган саволимизга берган жавоби.

қолганман. Ўшанда ходимлар билан ишлаш менежери бўлишни ва бу вазифада яхши ютуқларга эришишни хоҳлаган эдим. Қарангки, орзуларим амалга ошди, — дея ҳаяжон билан ўз кечинмаларини баён қилди Матлубахон. — 47 та филиал ходимлари орасида “энг яхши” дея эътироф этилишим менга куч берди. Ишимни янада яхши кўриб кетдим. Бу борада менга яқиндан ёрдам берган, қўллаб-қувватлаган аҳил жамоамга, меҳрибон яқинларимга катта раҳмат.

ходимнинг ўзи йўқ

Жамоадаги муҳит ижобий бўлгани учун ишлаш осон деб ўйлайман. Оила томондан ҳам кўнглим тўқ, хотиржамман. Оиламдагиларнинг барчаси мени тушуниб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келади. Икки нафар фарзандимнинг мактаб ва боғчадаги таълими, юриш-туриши уларнинг назоратида. Улар кўмак бермаса, бу қадар берилиб ишлай олмасдим.

Энг яхши дея эътироф этилишим-

ФАОЛ ХОДИМЛАР

нинг сабаби ҳам ишимни қаттиқ яхши кўрганим ва режа билан иш юритганим деб ҳисоблайман. Ҳар куни эрталаб кунлик ишларимнинг режасини ёзиб чиқаман. Бажариб бўлганларимни ўчириб боравераман. Тартибли ҳаракат қилганим учун ҳаммасига улгураман.

Матлубахон 2011 йилда Андижон муҳандислик-иқтисодий институтини тамомлаган. Асака филиалидаги фаолиятини 2016 йил котибаликдан бошлаган. 2019 йил мидл офис бўлими 1-даражали офис менежери этиб тайинланди. Ҳозирда 51 нафар ходимнинг келди-кетдиси, ижро интизومي, ҳужжатлари ва яна бошқа бир қанча вазифалар унинг зиммасида. Ҳар бир ходимнинг характеридан келиб чиқиб кўнглига йўл топишни у қайтарган. Шу вақтгача бирон ҳамкасби ундан норози бўлган эмас. Жамоада Матлубахонни қадрлашди, ҳурмат қилишди. Бунинг барчасига у ўз меҳнати, ҳаракатлари, мақсадни юқори қўйиши орқали эришди.

Н. ТҲАМАТОВА

Бешигин кучиб, ич-ичидан отилиб чиқадиған нидо янглиғ ўзгача оҳангда қуйланади. Бунини алла деб аташади. У кўнгилларни жумбушга келтиради, титратади, қувнатади, йиғлатади.

Алла айтмаган она бормикин дунёда? Бу қўшиқни тингламаган гўдак бўлмаса керак. Алла қайси элда, қайси тилда айтилмасин, эшитган одамнинг юрагида ҳаяжон жўш уради. Алла замирида бўла-жак йигитга қувват, қизга эса ҳаё ва ифбат мужассам. Алла айтган оналар миллат хотирасини асрайдилар.

Оилада чақалоқ туғилди. Бир парча гўшт. У ҳаракатланади. Ҳеч нима-ни билмайдиган, гоҳ ўзича кулимсираб, гоҳ чириллаб йиғлайдиган қизиқ бир жонзот.

Ёнидан кетган онасини дарров сезади — аввалига секин-секин ғингшийди, этибор бўлмагач, чинқириб йиғлашгача боради. Ёши улуғларимиз “онасини ҳидини олвоптида” дейишади.

“Уканга қараб тур”, дея буюради она тўнғичига. Опа қизиқсиниб унинг қўл-бетларини ушлаб кўради. Чақалоққа бу ёқмайди, албатта, яна ғингшийди, йиғлашга тушади. Укасининг овозини-чи, ўзи кичкина бўлса ҳам чинқирғини қараб қўйинг. У ёдига муҳрланган қўшиғини минғирлайди:

**Белимнинг қуввати-ё, алла,
Ҳаётимни роҳати-ё алла,
Юзларимни қизили, алла,
Юрагимнинг тафти-ё алла...**

Ажаб, ҳозиргина йиғлаб уйни бошига кўтараётган укаси тинчиди-қолди.

Бувимнинг 9 фарзанди бўлиб, неварачевара-



БЕШИК БОШИДАГИ ҚЎШИҚ

га бой эди. Амаким биринчи турмушидан бола кўрмади. “Шугинамни болларини кўрсам армоним йўқ эди”, дея дуо қилардилар, онаизор. Кенжаси иккинчи рўзгоридан болали бўлди, уйи бозорга айланди.

Бувим қўлларининг ғадир-будурлиги кўп меҳнат қилганини билдиради. Ёноқ суяклари туртиб чиққан, салча эгилиб юрсада жуда эпчил, илдам эди. Ҳовлимизда бир қарич ер бўш турмасди. Экинлар-у, меваларга, қўй-молларга ҳам қарардилар. Турли байрамлар, айниқса, ҳайит-арафада фарзандларидан кўплаб совғалар оларди. Қўйлаклари қанчалик кўп бўлишига қарамай доим “шўлка” қўйлагини эгнидан қўймасди. Орқаси қуёшдан ўнгиб, гуллари кўринмай кетган. Билганим, бу бобомнинг совғаси эди.

Янгам билан амаким уйларига яқин бўлган қишлоқ мактабда ўқитувчилик қилишарди. Кетмакет туғилган болалари худди эгизакдек катта бўлишди. Бувимнинг орзулари ушалди-ю, “ўлсам армоним йўқ эди” деган гаплари ёдидан чиқди-қолди. Улар-

нинг нақ 7 боласини кўрди. Икки нафари бешиқда, бири ерда, мактабда, боғчада деганларидай...

Жуда эҳтиёткор, сўридан йиқилиб озорланишмасин дея, ерга полос солиб қўярдилару, ўзлари ишга уннарди. Қўли меҳнатда, нигоҳлари болаларда: “уканга қара, бешигини тебрат”... Койигани ҳам “уйингга буғдой тўлгурлар”, “ҳақ отангни оғзига ош полов”, “вой ортимда қолгурлар”... Ҳатто сигирини ҳам “энди сутингдан болларимга ҳам бергинда”, дея эркалаб соғарди:

**...Боламнинг боласи, алла-ё алла,
Қандак ўрик донаси-ё алла
Отасининг давлати, алла-ё алла,
Онанининг роҳати, алла-ё алла...
Тилимнинг узун, алла,
Орзу-армонимларим рўёби-ё алла.**

Бироз сўзларида адашгандирман, аммо оддий гаплар, ҳаракатларни, қўли бешиқда-ю, нарироқдаги набирасини кузатишларидан ҳам алла ясардир. Ҳар бири такрорланмас эди.

**Ариққа яқин борма болам-а, алла,
Тушиб, оқиб кетасано, алла,
Онанг ишдан келса-ё, алла,
Қандай жавоб берамано, алла...**

Алла фольклори бешик қўшиғи, дея таърифланади. Бола туғилгандан то бешиқдан чиққунга қадар айтилади. У ҳар бир халқ оғзаки ижоди намуналарида кенг қуйланган. Айниқса, бизнинг одатларимизга кўра, болани йўргаклаш, бешикка солиш, ухлатиш, уйғонган болани йўргакдан ечиб олиш сингари машғулотлар қўйлар, чиройли оҳангдор сўзлар билан безалган бўлади. Бундай дилни эркаловчи қўшиқлар болага ҳуш ёқади. Ана шу шеърый тўқималар турли воқеаларга, айрим маросимларга боғлаб айтилган бу қўшиқни АЛЛА дейишган.

Нилуфар Иброҳимжон қизи.

Каримжоннинг кувончи ичига сиғмайди, азбаройи шошилганидан қадамлари пойма-пой бўлиб, йўли унмаётганга ўхшайди. Қани энди тезроқ аммасининг ёнига ета қолса-ю, дадасининг келаётганини айтса? Укасининг ғамида беллари букчайиб қолган бу аёлнинг кўнгли кўтарилишини ҳаммадан ҳам Каримжон истайди. Чунки қачон қарама, кўзи ёшли. “Ота-онамдан қолган ягона ёдгорим ҳам пешонамга сиғмади. Меҳрибоним, жигарим қаердасан?” деб йиғлагани йиғлаган. Энг ёмони ҳар сафар йиғлаганда, албатта, Каримжон билан Козимжоннинг бебахтлигини қўшиб айтади:

— Одамлар болага зор, сенинг болаларинг хор бўлдиёв! Онасизқолганиетмасдан отасиз ҳам қоладими? Шундоқ мунчоқ болаларини ташлаб кетган онани ер қандай кўтариб юрибдиёв!?

Бундай пайтда Каримжон кулоқларини беркитиб олади, онаси ҳақида ёмон гап эшитишни истамайди. Укаси Козимжон эса аммасига қўшилиб йиғлайверади. Тавба, шу укасининг ғалати феъли бор, ўғил бола бўлсада, кўнгли бўш, сал нарсадан таъсирланиб кетади. Ҳозир ҳам дадасининг келаётганини эшитиб, ҳўнграк отди. Уни овутгунча бўлари бўлди. Бунинг устига “Аям ҳам келганида яхши бўларди”, деб юрагини эзгани ортиқча.

Узоқдан аммасининг дарвозаси кўринди. Қай тарзда

айтади? Аммасининг қон босими бор, хафачиликка ҳам, хурсандчиликка ҳам дарров кўтарилиб кетади. Кутилмаганда аммаси дарвозадан чиқиб келди. У бақириб юборди.

— Дадам... дадам келяпти.

— А, нима, нима дединг?..

Аммаси шўрлик азбаройи довдираганидан уйи қолиб

ОЛИСДАГИ ОНА

қўшнисикига қараб юриб қолса бўладими.

— Аммажон, қаерга?

Каримжон унинг қўлидан тутди. — Дарвоза бу ёқда, юринг уйга...

— Ҳа, суюнганимдан кўзим тиниб кетди. Қаёққа кетаётганимни ҳам яхши илғамабман! Аммаси йиғламсираб гапирарди. — Худойимга қилган нолаларим етибди, укажонимнинг иссиқ юзини кўрар эканман, ўзингга шукур, ўзингга шукур. Ҳаммалари ичкарига киришди.

— Қачон келаркан, аввал бу ерга опкеласан бўптими? Ҳув анов, боқиб қўйган қўйимни оёғининг тагига сўяман жигаримнинг — аммаси ҳовлиқди.

— Опкеламан, аммажон, опкеламан. Барибир, аввал сизни кўрай дейди. Худо хоҳласа, эртага шу паллада уйда бўларкан!

— Бу дунёда яхшилар кўп, болам, ҳаммасиям омон бўлишсин! — аммаси яна дуо қилди. — Лекигин... анов нон кўр қилгур онанг у дунё-ю, бу дунё рўшнолик кўрмасин!

Ўшанинг касофатига отанг шўрлик тўрт йил умрини қамоқда ўтказди. Уйинг куйгур хотин бўлиб оиласини тутганида даданг ичкиликка берилмасди, кўчага чиқиб кетмасди, бировларнинг касрига қолиб, қамалмасди!

— Амма!!! — Каримжон онасини ёмон дейишларини билмай қолди.

— Энди бора қол, Козимжон йўл қараб уззукандир, эртага кутаман, даданг билан келинглар, кейин биргалашиб борамиз уйларингга!

Каримжон тугунчани қўлтиқлаб йўлга тушди. Кўнгли бирам ёришиб кетдики. Балки, хурсандлиги сабабдир. Ахир, оз эмас кўп эмас, тўрт йилдан бери дадасининг дийдорини кўрмаган, роса соғинган ўзиям.

Эҳ-ҳе, шу кичкина бошларидан қанча мушкулотлар ўтмади. Бари шу ота-онасининг келиша олмаганлидан. Аввалари улардан бахтли оила йўқ эди. Опоқдадаси, каттабувиси ҳаммалари бирга бирга яшашарди. Дадаси нонвойчилик қилар, аяси тайёр нонни бозорга олиб чиқиб сотарди.

Чиройли ҳаётларига кўз тегди. Ҳаммаси дадаси аясини рашк қилиб ичкилик ичишидан бошланди. Аяси ҳар гал бозорга отланганида астойдил пардоз қилар, ясан-тусансиз кўчага чиқмасди. Аввалари бунга бепарво қараган дадаси кейинчалик аясига дўқ қиладиган, ҳатто урадиган одат чиқарди. Каримжон билан Козимжон кўрқиб каттабувисининг

ям аммаси бор экан, иссиқсовуғидан хабардор бўлди, емоқ-ичмоғини етказиб турди. Бўлмаса...

— Мана, ол, келишига кийдириб қўясан! — аммаси хансираб ёнига келди. — Яхши кунларига деб сақлаганман!

Каримжоннинг ўпкаси тўлиб кетди, қандай қилиб аммасини кучоқлаб олганини билмай қолди.

— Энди бора қол, Козимжон йўл қараб уззукандир, эртага кутаман, даданг билан келинглар, кейин биргалашиб борамиз уйларингга!

Каримжон тугунчани қўлтиқлаб йўлга тушди. Кўнгли бирам ёришиб кетдики. Балки, хурсандлиги сабабдир. Ахир, оз эмас кўп эмас, тўрт йилдан бери дадасининг дийдорини кўрмаган, роса соғинган ўзиям.

Эҳ-ҳе, шу кичкина бошларидан қанча мушкулотлар ўтмади. Бари шу ота-онасининг келиша олмаганлидан. Аввалари улардан бахтли оила йўқ эди. Опоқдадаси, каттабувиси ҳаммалари бирга бирга яшашарди. Дадаси нонвойчилик қилар, аяси тайёр нонни бозорга олиб чиқиб сотарди.

Чиройли ҳаётларига кўз тегди. Ҳаммаси дадаси аясини рашк қилиб ичкилик ичишидан бошланди. Аяси ҳар гал бозорга отланганида астойдил пардоз қилар, ясан-тусансиз кўчага чиқмасди. Аввалари бунга бепарво қараган дадаси кейинчалик аясига дўқ қиладиган, ҳатто урадиган одат чиқарди. Каримжон билан Козимжон кўрқиб каттабувисининг

Матлуба ЮСУФ ОХУН

орқасига беркиниб оларди. Кунларнинг бирида укаси иккаласини етаклаган, аяси бу уйдан кетди-қўйди. Бувисиники олисда эди, ҳар қалай эс-эс билади, етиб боргунча кеч кирди. Дадаларини жуда яхши кўришарди. Шунинг учун дарров касал бўлиб қолишди.

— Болаларинг дадасига ичикяпти, — опоқдадаси уларнинг бошини силаб гапирарди. — Бунақада хароб қиласан болаларни.

— Энди у ерга қайтиб бормайман, агар болалари керак бўлса, шу ерга келиб яшасин. Агар қайтиб борсам, кўчадаги одамларнинг гапига кириб, мени қизғонаверади, ураве-ради! — аяси қаттиқ туриб олди.

— Ота-онаси ёлғиз бўлса, уларни ташлаб келармиди!

— Оила керак бўлса келади!

Аяси айтганидек бўлди, дадаси бу ёққа келди. Бозорга яқин жойдан ижарага уй олишиб, яна нонвойчилик қилишди. Ҳаммалари яна бирга бўлишди. Лекин барибир аввалигидек мазза қилишмади, чунки дадаси билан онаси яхши гаплашишмасди.

Уч йилдан кўпроқ шу аҳволда кун кечиришди. Бу орада каттабувиси оламдан ўтди. Опоқдадаси ёлғиз қолди.

— Уйга қайтайлик! Шунча вақт бировникида сиғинди бўлганимиз етар! — дадаси аясига кўп ялинди...

(Давоми келгуси сонда).

Аутизм — ривожланишдаги ўзига хослик бўлиб, мия фаолиятининг бузилиши билан кечади. Унда ижтимоий ва коммуникацион томонлама оқсоқлик юзага келади. Беморнинг хатти-ҳаракатларида ноодатий такрорлар кузатилади.

ВИРТУАЛ АУТИЗМ — меъёрга риоя этмаслик асорати



Яқинда мутахассислар янги терминни тақдим этдилар: виртуал аутизм. У рақамли аутизм, деб ҳам юритилади. Мультимедиа маҳсулотлари, планшет ва смартфонлар оммалашгач, ушбу ташхис қўйила бошланди.

Аутизмнинг ушбу янги тури нутқ шаклланаётган пайтда юзага чиқади ва ичаклар билан алоқадорлик касб этади. Чунки, бола оламни, аввало, озиқ маҳсулотларини қабул қилиш орқали ўзлаштиргани учун мия ҳам шунга мослашади. Кўпчилик ота-оналар бола овқат есин деб таомланиш вақти уни гаджетлар билан овутади. Шунинг оқибатида мия тановул пайти сигнал жўнатишга одатланади. Аслида бола овқат еяётганида мия ҳам овқатни ҳис қилиши, видео ёки ўйин билан банд бўлмаслиги керак.

Аутизмнинг 98 та тури бор, уларнинг ҳар бири алоҳида кечади ва ўзига хосдир. Шунга мувофиқ равишда қанчадир миқдордаги болалар аутизм боисидан ташқи муҳитдан узилиб қолади, бир гуруҳи эса ўзини ўзи эплай олади. Яна шундай аутист беморлар борки, улардан машҳур олимлар етишиб чиқади. Бунга Эйнштейн, Моцарт, Чарльз Дарвин, Томас Жефферсон, Билл Гейтс мисол қилиб келтириш мумкин.

Виртуал аутизм — алоҳида масала. Бир кунда 5 соатдан ортиқ вақтини онлайн маконда ўтказган болалар ушбу руҳий бузилиш хавфи остида қоладилар. Виртуал олам болаларни қизиқтиради, ўзига жалб қилади, аммо миясини ўстирмайди. Бола виртуалликка кириб боргани сайин реал оламга эътиборсизлиги кучайиб кетади. Одамлар билан мулоқот қилишга қизиқиши ва эҳтиёжи қолмайди. Болаларга мўлжалланган роликлардаги лавҳаларнинг тез ўзгариши, баланд овоз ва шовқин асаб тизими

мига салбий таъсир кўрсатади. Мультфильм ва видеороликларни меъёрда кўриш болага билим бериши рост, аммо ҳаддан зиёди уни асабийлашишга мажбур қилади. Видеони завқ билан томоша қилаверади, асабийлик эса реал ҳаётда намоён бўлади.

Албатта, кичкинтойларга гаджетларни тўлиқ тақиқлаш эмас, балки, меъёрга амал қилиш керак. 6-12 ёшли болалар телевизор, компьютер, смартфон билан кунига 2 соатдан кўп банд бўлмасликлари тавсия этилади. 3-6 ёшлиларга кунига 1 соатлик меъёр ўрнатилган. 2 ёшгача бўлган болалар гаджетлар билан умуман танишмай турганлари маъқул.

Фарзандини телефон билан банд қилиш ҳар доим ҳам эътиборсизлик аломати ҳисобланавермайди. Бу ҳолатни ислоҳ қилиш фақат онанинг вазифаси эмас, балки, оилавий муҳитга бориб тақаладиган масала бўлиб, барча оила аъзоларидан масъулият талаб этилади. Кўплаб хонадонларда аёлнинг аёллик ва оналик ролидан кўра келинлик вазифалари биринчи ўринга чиқарилади. Қайнона-қайнота хизмати, икки-уч маҳал қозон осий, уйни чинидек қилиб тозалаш, кир-чир дегандек, буларнинг барида улгуриш тақозоси болаларга ажратиладиган вақтдан ўғирланади. Чунки бола қайнонадек ўшқирмайди, эрдек калтакламайди, уларнинг олдидаги мажбуриятларни бажармаса, жазо йўқ. Оналар эътиборсизликдан эмас, иложсизликдан фарзандининг қўлига телефон тутқазишга мажбур бўлади. Табиийки, бунинг оқибатида боланинг виртуал аутизмга чалинишида айбдор она эмас, бутун оиладир.

Дурдона АЛИМОВА.

БУЮКЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ

* Биринчи бўлиб тахаллус остида ижод қила бошлаган муаллиф юнон комедиографи Аристофан ҳисобланади.

* Кўпчилик ўйлаганидек, изкувар (детектив) Шерлок Холмс тимсоли машҳур инглиз ёзувчиси Артур Конан Дойлнинг фантазияси маҳсули эмас. Аслида Шерлок Холмснинг прототиби 1910 йилда вафот

этган Лондон изкувари Филипп Биг ҳисобланади. У шаҳарнинг энг иқтидорли эксперти бўлиб, ҳаётининг охириги 25 йилида Лондондаги барча энг йирик жиноятларни очиб берган.

* Ёзувчи Оноре де Бальзак ҳар сафар янги асар ёзишдан олдин бир-икки ой муддатга ўз хонасига қамалиб олар

экан. Ёзувчи пардаларни ёруғлик кирмайдиган даражада маҳкам ёпиб, уй халатига бурканиб олиб, шам ёруғида ишлаган. Бальзак кунига 18 соат ишлар ва бу вақт давомида унга кун ва туннинг фарқини билмаслик муҳим эди.

* Фантаст ёзувчи Жюль Верннинг 20 минг асар ҳақидаги маълумотни ўз ичига олувчи шахсий картотекаси бўлган. Ёзувчи куннинг катта қисмини илмий адабиёт билан танишиб чиқишга сарфлаган.

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Бешафқат ўлим “Холис” савдо-саноат бирлашмасининг бош директори, мамлакат миқёсидаги таниқли тадбиркор Шокиржон Ибрагимовни 75 ёшида орамиздан олиб кетди.

Шокиржон Ибрагимов мазмунли умрининг энг ёрқин дамларини, бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини халқ хизматида бағишлади. Бунёдкорлик-ободончилик соҳасида ўзига хос мактаб яратди. Муҳташам бинолар, бозорлар, кўприк ва бошқа иншоотлар курди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги савдо-ҳаракатлари кўплаб оилаларнинг турмуш даражасини оширишга, моддий таъминотини яхшилашга имкон яратди.

Ш.Ибрагимов “Намкорбанк”нинг асосчиларидан бири сифатида



банкнинг шаклланиши, ривожланиши ва Республика молия бозорида мустаҳкам ўрин топишига муносиб ҳисса қўшганлиги учун ҳам жамоамиз аъзоларига ғоят қадрли эди.

Кўп сонли меҳнат жамоамиз номидан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамыз.


**“Намкорбанк”
АТБ Кенгаши ва
Бошқаруви**

ЎҚИЙДИГАН ВА ЎҚИМАЙДИГАНЛАР

Китоб ўқишни одат қилган шахслар телевизор экранидан нари кетмайдиган кишиларни бошқара олишади.

Қанча кўп китоб ўқисанг, бировларга шунча кам тақлид қиласан.

Одамлар икки тоифага, хусусан: китоб ўқийдиганлар ва китоб ўқийдиганларнинг оғзига қараб юрадиганларга бўлинади.



Киши ақлли бўлиб қолиши учун 10 та китоб кифоя. Ўша ўнтани топиш учун эса минглаб китобларни ўқиб чиқиши керак бўлади.

Ўртаҳол инсонларнинг уйида катта телевизор бор. Бойларнинг уйида эса, катта кутубхона.

МЕН БИЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

АЖОЙИБ УЧРАШУВ

...Ҳар кун хонам эшиги очилади-ю, ишонасизми, болалигимга дуч келаман.
У тиз чўкканча, ўнг қўлимни кафтига олиб ўпади ва дейди:
— Ассалому алайкум, бобожон!..
Мен ҳам тиз чўкиб, уни бағримга оламан ва дейман:
— Ваалайкум ассалом, болалигим..
Шу тариқа, болалигим билан ҳар кун учрашиб тураман...

КУТИЛМАГАН БАХТ

Оғирми-енгилми, ҳар неки мусибатдан кўрқма, ўғлим! Уларнинг ҳар бири сени Аллоҳга тобора яқинлаштиради.
Демак, Аллоҳга яқинлаштирган омил сен учун кутилмаган бахт эмасмикин?

БЕҲУДА ЎТГАН КУН

— Ҳадеб ўзганинг пулини ҳисоблаш билан кун ўтказган одам қачон ўзи пул топади?
Шу саволга жавоб излаб, ўзимнинг ҳам бир куним беҳуда ўтди...

ВИЖДОНСИЗ ҲАМ ЯШАШ МУМКИН ЭКАН...

Одам дунёда бошпанасиз, пулсиз, ҳатто ёрдўстларсиз ҳам яшаши мумкинлигини билар-билмас эдим!
Виждони йўқлигидан уялмай, одамлар орасида яшаётганларни кўраверганимданми, энди мен ҳам ҳайратланмай қўйдим...

УЗОҚ ДАВОМ ЭТГАН БОЛАЛИК

Ота-онаси борларнинг болалиги узоқ давом этади. Ҳатто юзга кирса ҳам тугамайди. Чунки отаси, онаси ёнида-да! Шунинг учун уларга ҳавас қиламан.

Ақсинча, болалиги эрта тугаганлар эрта улғайишади. Мен буни ўз тақдиримдан биламан...

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

БИЛДИРУВ

Фарғона вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан “Намкор пресс” газетасига 2018 йил 8 июнь кун берилган №12-041-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ДЕБ
ҲИСОБЛАНСИН.**

Баҳор бойчечакдан бошланади



Баҳорни негадир чақалоқнинг илк нимтабассу-мига ўхшатаман. Аслида ҳам шундай эмасми?! Чунки чақалоқлик инсон умр ниҳолининг куртаги бўлса, баҳор табиатнинг қайта туғилишидир. Яна у болалик орзуси, самоларга ошиқаётган варракнинг парвози, нуроний кексаларимиз дили ва тилидаги шукроналик, эриётган музликлар-у, жўшаётган иштиёқлар нафаси, табиат ва борлиқнинг пок-покиза юзига ўхшайди. Ҳўш... баҳор ўзи қандай бошланади?

Баҳор бойчечакдан бошланади! Бойчечак баҳор келганини айтишга шунчалик шошадики, қор тагидан мўралаб, уни ёриб чиқиб, қуёш томон ошиқади ва бутун оламга кўклар келганини жар солади! Қуёш ҳам унинг жасоратига қойил қолиб, гоҳ очик осмондан, гоҳида қуюқ булутлар орасидан меҳр билан нурини сочади. Тез орада қиш қиличлари — сумалаклар томчи-томчи ёш тўкади! Аммо уларнинг-да ҳаёти тугамайди. Шошқин жилға, сой сувларига қўшилиб, тошдан тошга урилиб, яшнатувилик хизматида шошилади. Бодроқдек бодом гулларида сўнг бирин-кетин ўрик, олчаю

гилослар қувлашиб, дарахт-гулзорга айланади, ҳар бири гўёки қувонч кўзларини очади!

Қалдирғоч овозини кўклар мадҳиясига қиёслабман. У бу бетакрор муסיқасини ўзи қўналға қилган уйга севинча етказди!

Қалбларни ошиқтирувчи ва ёшартирувчи баҳорнинг илиқ, самимий ва хушбўй еллари борлиқни уйғотади! Майсалар аввал эринчоқлик билан кейин эса ғайратла бўй кўрсата

бошлайди...

...Ва яна бир бор она табиат ёшлик ва гўзаллик деб аталмиш энг буюк суратини чизади!

Маърифат ИСКАНДАРОВА.

Спорт олами қизиқарли ва диққатни жалб қилувчи ҳолатларга жуда бой. Кўпчилик ўйинларни мунтазам кузатиб борсак-да, улар билан боғлиқ айрим маълумотлардан беҳабармиз. Қуйидаги қизиқарли фактлар ҳам сизни ҳайрон қолдириши аниқ.


БИЗ БИЛМАГАН СПОРТ ДУНЁСИ

Қўлни ишқалайдиган оқ кукуни нима?

Оғир ва енгил атлетика мусобақаларида спортчилар қўлини оқ кукунига ишқалайди. Нима учун бундай қилишни биласизми? Унга ўхшайдиган бу оқ модда магний сульфат кукуни бўлиб, у танадаги намликнинг энг кичик зарраларини ҳам йўқотиб юборади. Натижада ушлаш ҳолати яхшиланади.



Сув остида музиқани қандай эшитиш мумкин?



Синхрон сузиш пайтида музиқанинг сув остида ҳам эшитилиши учун ҳовузга махсус сув ости динамикалари ўрнатилади. Албатта, сувнинг зичлиги туфайли товуш жуда ёмон етиб келади. Лекин бу усул гимнастикачиларга ҳеч бўлмаганда ритмни эшитиш ва дастур элементларини ўз вақтида бажариш имкониятини беради.

30 килограммлик кийим-бош

Хоккей жуда хавфли спорт тури. Айниқса, доимий зарба таҳдиди остида бўлган дарвозабон кийим-жиҳозлар ёрдамида чуқур ҳимояланиши керак. Унинг эғнидаги бу ҳимоя воситалари тахминан 30 кг. атрофида бўлади.



ОСИЁ тайёрлади.

Дунёнинг бош метеорологи нимадан ташвишда?

Ёшлик чоғим — ўтган асрнинг 70-йиллари... Юмуш билан шаҳарга борган дадам билан қишлоғимизга қайтпмиз. Автобусда суҳбатлашиб кетаётган отахон ариқларимизда бақалар, қизилиштон аталмиш қуш, жийда, шоліпопарлар ва "мойтупроқ" (яъни дала йўлларидаги майин тупроқ) нинг бор-йўқлиги хусусида сўраб қолди. Дадам сўралганларнинг камайиб кетганлиги, қизилиштон, шунингдек, кўкқарға, типратиканлар деярли "анқонинг уруғи"га айланиб қолганини айтди. Оқсоқол афсусланганча бош чайқаб деди: "Ишқилиб, охири бахайр бўлсин, бунақада иқлим ўзгариб, ҳар турли касаллик кўпайиб кетади, иним".

Ўшанда, ростини айтсам, "башоратгўй" нуронийнинг гапига айтарли эътибор бермаган эдим. Мактаб чоғимда Ўлмас Умарбековнинг "Ёз ёмғири" қиссасини "Наҳотки, иссиқ маҳали ҳам ёғин ёғса?" деган ҳаёлда қўлимга олгандим. Аслида эса...

1968 йилнинг қишида ёққан қор ҳануз катталарнинг ёдида. Ўшанда қорнинг уюми деярли томга етиб, апрелнинг охирида базўр эриб тугаганди. Бир йили эса 1 май тонгини қор билан қарши олдик. Орадан бир неча йил ўтиб, қиш шундай иссиқ-қуруқ келдики, авжи аёз чилласида кўчаю далада

тупроқ, чанг тўзиди. Аввалги йили фарғоналик танишим ҳақиқий қорни кўрсатиш учун невараларини Қамчиқ довонига олиб борганини айтиб қолди. Бу ҳолдан ҳайрон бўлмадим.

Ажабки, бир пайтлар автобусдаги отахоннинг куйиниб айтганлари бугун глобал муаммо тусини оляпти. Табиатга, ҳудуд берган борлиққа ноўрин ташқи таъсир эндиликда дунё ҳамжамиятини ўйга толдириб қўймоқда.

"200 МИНГ ЙИЛ давомида бундай кучли исиш бўлмаган"

Келаси йилда ташкил топганига бир ярим аср тўладиган Жаҳон метеорология ташкилоти (ЖМТ)нинг бу борадаги кузатувлари, тадқиқотлари вақт ўтган сари ташвишли тус оляпти. Яқинда унинг бош котиби иқлим ўзгаришлари ҳатто қуролли тўқнашувлар сонинг кўпайишига олиб келиши мумкинлигини билдириб ўтди.

— Менимча, биз иқлим ўзгариши содир бўлаётганининг жуда аниқ белгиларини кўрмоқдамиз, — деди у. — Лекин об-ҳаво ўзгаришини иқлим ўзгаришидан ажрата билиш керак. Об-ҳавонинг


ўзгариши йилдан йилга, кундан кунга, ҳар ҳафтада содир бўлмоқда. Биз об-ҳаво аномалияларига гувоҳ бўляпмиз: баъзи минтақаларда ўтган йилга нисбатан жуда совуқ ёки анча иссиқроқ ҳарорат кузатилмоқда.

Ўтган йили, масалан, Европада ҳам, Осиёда ҳам энг иссиқ йил бўлди. Россия Арктикасида эса қутб доираси устидаги ҳудудларда уч йил кетма-кет деярли Цельсий бўйича 38 даража ҳарорат кузатилди, бу жуда ғайриоддий.

Инсоният сайёранинг қазилма бойликлари — нефть ва газдан бетўхтов фойдаланишни бошлади. Бу атмосферага карбонат ангидрид чиқарилишининг кўпайишига, атмосферанинг куйи қатламлари ҳароратини оширадиган парник газлар ҳажми ортишига сабаб бўлди. 200 минг йил давомида бундай кучли исиш бўлмаган. Буни кўмир, нефть ва газни интенсив ёқишсиз амалга ошириш мумкин эмаслиги ҳақида жуда аниқ илмий далиллар мавжуд.

Учинчи муаммо — музликларнинг эриши. Дунёдаги кўплаб йирик дарёлар тоғ

музликларидан бошланади. Масалан, Ҳиндистон ва Хитой Ҳимолайдаги тоғ музликларидан кўп миқдорда тоза сув олади. Бу музликлар қисқарган сари, бутун дунёдаги йирик дарёлар камроқ сувга эга бўлади. Буни Осиёда, Европада, Алпда, шунингдек, Шимолий Америка ва Жанубий Америкада кўряпмиз. Музликлар эриши билан ичим-



лик суви, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши учун сув камайиб кетади. Сўнгги пайтларда ёғингарчиликнинг ўзгариши ва музликларнинг эриши иқлим ўзгариши натижасида юзага келган энг жиддий муаммо бўлиб қоляпти.

Британиялик мутахассислар 2020 йилдан 2024 йилгача бўлган давр жаҳон миқёсида энг иссиқ беш

МУАММО

йиллик бўлишини тахмин қилишяпти. Экспертларнинг тахминига кўра, ушбу беш йиллик давомида ўртача ҳарорат 1,15 - 1,46 даражага юқори бўлади. Метеорологлар Ер юзиде ҳароратнинг кўтарилиб бориши, биринчи навбатда, Европа, Осиё ва Шимолий Американинг шимолий ҳудудлари ҳамда Шимолий Атлантикага таъсир кўрсатишини таъкидлашмоқда.

Яқин вақтларгача "у минтақада сув тошқини, бу минтақада қурғоқчилик, шимолий ҳудудларда қорбўрони, жанубий зоналарда жала кузатил-япти" дейилса, "бизга буни нима дахли бор? У жойлар қаёқда-ю, бизнинг юртлар қаёқда!" дегувчилар ҳам кўплаб топиладди. Энди эса..."Кавказча ёмғир", "Урал совуғи". "Волгабўйи оқими", "Эронда шакланган иссиқ", "Афғон шамоли"... хуллас, ота-буваларимиз эшитмаган-айтмаган ажаб-товур атамалар ҳаётимизга кириб келди.

Иқлим ўзгаришлари — инсоният учун огоҳлик қўнғироғи. У ҳозирча бир маромда бонг уряпти: "Одамлар, кўзингизни очинг, хушёр бўлинг, она замин, атроф-борлиқ инграмоқда, фарёд чекмоқда..."

Бир пайтлар отахон айтганидай "ишқилиб охири бахайр бўлсин".

А.ТУРҒУНОВ тайёрлади.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ТУХТАМАНОВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-249 Адади: 6360
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

